

ПЕДАГОГЛАРНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИЖТИМОЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТ СИФАТИДА

Тургунов Миржалол Мирзахамдам ўғли

Фарғона давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7411228>

Аннотация. Ушбу мақолада педагог касбий-педагогик фаолиятини ривожлантиришининг ижтимоий-педагогик зарурияти, педагогнинг касбий- педагогик фаолияти ривожланишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омиллар, педагогикада аксиологик ёндашувга доир методологик қарашлар тизими ва педагогик кадриятлар таснифи, педагог касбий-педагогик фаолиятининг аксиологик мезонлари, касбий-педагогик фаолият ривожланишига аксиологик ёндашувни татбиқ этиш зарурати ва истиқболлари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: педагог, касбий фаолият, педагогик фаолият, аксиология, аксиологик ёндашув, педагогик маҳорат, педагогик кадрият.

РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В КАЧЕСТВЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ НЕОБХОДИМОСТИ

Аннотация. В данной статье рассматривается социально-педагогическая необходимость развития профессионально-педагогической деятельности педагога, объективные и субъективные факторы, влияющие на развитие профессионально-педагогической деятельности педагога, система методологических взглядов на аксиологический подход в педагогике и классификацию педагогических ценностей, аксиологические критерии профессионально-педагогической деятельности педагогического, необходимость и перспективы применения

Ключевые слова: педагог, профессиональная деятельность, педагогическая деятельность, аксиология, аксиологический подход, педагогическое мастерство, педагогическая ценность.

DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL ACTIVITY OF PEDAGOGUES AS SOCIAL AND PEDAGOGICAL NECESSITY

Abstract. This article examines the socio-pedagogical necessity of the development of pedagogical professional and pedagogical activity, objective and subjective factors affecting the development of professional and pedagogical activity of the pedagogical, the system of methodological views on the axiological approach in pedagogy and the classification of pedagogical values, axiological criteria for the professional and pedagogical activity of the pedagogical, the need and prospects for applying

Keywords: educator, professional activity, pedagogical activity, Axiology, axiological approach, pedagogical skill, pedagogical value.

Кириш

Бугунги кунга келиб, республикамызда миллий таълим тизимининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш учун кенг шароит яратилди. Ўз навбатида, ислохотлар таълим тузилмаси ва мазмун-моҳиятини такомиллаштириш имконини берди. Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз»[1]. Ҳозирги даврда таълим

самарадор- лигини ошириш, мутахассисларнинг касбий компетентлик даражасини ривожлантириш, педагог кадрларни инновацион фаолиятга йўналтириш, олий таълим муассасаларидаги ўқув жараёнига инновацион таълим ва ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш, илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш ва мақсадли йўналтириш олий таълим тизимини модернизациялашдаги долзарб вазифалар сифатида белгиланди. Таълим – жамиятни ислоҳ қилиш ва уни ташқи дунё учун янада очиқ ҳамда янги техноло- гия ва билимларга йўналтирилган жамиятга айлантиришнинг асосий омилидир. У нафақат жамиятнинг ривожланиш истикболи, балки ҳар бир инсоннинг алоҳида фаолиятини олдиндан аниқлайди ва белгилайди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Педагогик фаолиятнинг аксиологик асослари ва касбий-педагогик фаолиятга аксиологик ёндашув, аксиологик таълим-тарбия масалаларининг қўйилиши масалалари Н.Шодиев, А.Ч.Чориев, Н.С.Киямов, Х.А.Шайхова, Б.Ғ.Зиёмухаммедов, З.Д.Давронов, Қ.Н.Назаров, М.Тожиев, М.М.Қаҳҳорова, Г.Ҳ.Тиллаева ва Д.Ҳабибуллаева каби олимлар томонидан тадқиқ этилган[2]. Шунингдек, муаммога оид маълумот ва назарияларни машҳур файласуфлар – Аристотель ва Луций Анний Сенекалар аксиологик қарашларни инсон руҳиятининг ахлоқий тақомили деб билиб, қадрият категорияси сифатида талқин этганлар[3].

Марказий Осиё педагогикаси тарихида Кайковус, Абу Наср Форобий, Нажмиддин Кубро, Имом ал-Бухорий ва Алишер Навоийнинг қарашларида билим асосида фаровон турмушга етишиш, эзгулик ҳамда ёвузлик ўртасидаги курашда таълим-тарбиянинг муҳимлиги, баркамол авлод тарбияси учун нафақат оила, шу билан бирга, бутун жамоа аъзолари масъуллиги тўғрисидаги ғоялар илгари сурилган[4]. Шунингдек, Я.А.Коменский, И.Г.Песталоцци ва В. А. Сухомлинский каби машҳур педагогларнинг илмий асарларида таълим-тарбия жараёнига оид аксиологик ёндашувлар ўз аксини топган[5].

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда меҳнат бозорида устувор ўрин эгаллаган кучли рақобатга бардошли бўлиш ҳар бир мутахассисдан касбий компетентликка эга бўлиш, уни изчил равишда ошириб боришни тақозо этмоқда. Хўш, компетентлик нима? Касбий компетентлик негизида қандай сифатлар акс этади? Педагог ўзида қандай компетентлик сифатларини ёрита олиши зарур? Айни ўринда шу ва шунга ўхшаш ғоялар юзасидан сўз юритилади.

Касбий компетентлик эса мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларнинг амалда юқори даражада қўллай олиниши ҳисобланади.

Касбий компетентлик мутахассис томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланишини эмас, балки ҳар бир мустақил йўналиш бўйича интегрatív билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини назарда тутди. Шунингдек, компетенция мутахассислик билимларини доимо бойитиб бориш, янги ахборотларни ўрганиш, муҳим ижтимоий талабларни англай олиш, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Касбий компетентлик мураккаб жараёнлар; ноаниқ вазифаларни бажариш; бир-бирига зид маълумотлардан фойдаланиш; кутилмаган вазиятда ҳаракат режасига эга бўла олишда намоён бўлади. Касбий компетенцияга эга бўлган мутахассислар ўз билимларини изчил бойитиб боради, янги

ахборотларни ўзлаштиради, давр талабларини чуқур англайди, янги билимларни излаб топади, уларни қайта ишлайди ва ўз амалий фаолиятида самарали қўллайди.

Таълим жараёнини такомиллаштиришнинг муҳим омили олий таълим тизимида педагогларнинг касбий компетентлигини юқори даражада шакллантирилиши билан узвий боғлиқ. Шу сабабли, замонавий таълим технологиялари имкониятларидан унумли фойдаланиш негизида педагоглар касбий компетентлигини шакллантириш жараёнининг назарий ҳамда амалий асосларини яратиш муаммонинг долзарблигини белгилайди.

Шу муносабат билан педагогларни олий таълим муассасасидаги фаолиятларини фаоллаштириш бугунги кунда талаб қилинаётган касбий компетентлик даражасини таъминлайдиган янги ёндашувларни илмий асослаш долзарб вазифа бўлиб келмоқда.

Касбий компетентлик тушунчасига нисбатан илмий доирада турли муносабатлар илгари сурилади. У меҳнат субъектига нисбатан аниқ фаолият талаблари ёки айнан, субъектнинг аниқ фаолиятнинг ўзига хос жиҳатларига нисбатан муносабатини тавсифловчи хусусият сифатида қўлланилади. Масалан, тадқиқотчи олим Э.Ф.Зеер касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатди[6]. Хусусан, касбий компетентликнинг асосий даражаларига касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятларини киритади.

Компетентлик қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- ҳар қандай муайян вазиятда, унинг турли хил жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда билимларни ўз ўрнида ва тезкорлик билан тўғри қўллай билиш;
- қарорларни қабул қила билишга қодирлик ва тайёрлик, шу билан бирга, мазкур вазият учун энг мақбул қарор вариантини танлай олиш;
- ижтимоий ҳаракатларни ташкил этиш ва бунинг учун барча имкониятларни ишга сола билиш;
- фаолият доирасида бошқа одамлар билан ўзаро муносабатларни аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда ва мақсадга мувофиқ, мақбул тарзда ўрната олиш имконини берадиган коммуникатив кўникмалар;
- муайян маънавий кадриятлар, дунёқараш, умуммаданий ва ахлоқий сифатларга эгаллик, фаолиятга интилиш ҳиссининг мавжудлиги;
- ўзининг ижодий имкониятларини ривожлантириш, фаолиятнинг янги усулларини эгаллашга интилиш[7].

Бир қатор тадқиқотларда бевосита педагогга хос касбий компетентлик ва унинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Ана шундай тадқиқотлар сирасига А.К.Маркова томонидан олиб борилган изланишларни киритиш мумкин.

Ўз тадқиқотларида А.К.Маркова педагогнинг касбий компетентлиги бир қанча таркибий асослардан иборат эканлигини келтиради[8].

Касбий компетентликни шакллантиришнинг мақсади касбий ва шахсий ривожланиш жараёнида таълим олувчининг ўз-ўзини англаш, баҳолаш ва бошқариш каби таркибий қисмларни ривожлантириш ҳамда таълим муассасаларида ишлашга тайёрлаш

хисобланса-да, шулар билан биргаликда уларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари асосларини ўрганиш вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши керак[9]:

– педагогнинг касбий фаолиятида педагогик, умумкасбий ва ихтисосликка оид билимларни ўзлаштиришга нисбатан ижобий муносабатда бўлишга эришиш;

– педагогик ва ишлаб чиқариш жараёнларига хос бўлган муаммоли вазиятларда масалаларни ажратиб олиш ҳамда уларни ҳал қилиш усули сифатида педагогик ва техник-технологик тафаккурни ривожлантириш;

– педагогнинг касбий фаолиятида индивидуал таълим методини қўллай олиш, ўқув-педагогик ва ишлаб чиқариш ҳаракатларининг репродуктив ҳамда ижодий усуллари шакллантириш;

– касбий фаолиятида муҳим касбий-педагогик сифатларини, яъни ҳамдардлик, болаларни севиш ва бошқаларни ривожлантириш, касбий ва шахсий ўз-ўзини ривожлантириш эҳтиёжини юзага келтириш.

Касбий (шу жумладан, педагогик) компетентликка эга бўлишда ўз устида ишлаш ва ўз-ўзини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга. Ўз-ўзини ривожлантириш вазифалари ўзини ўзи таҳлил қилиш ва ўзини ўзи баҳолаш орқали аниқланади.

Зеро, педагогларнинг касбий компетентлик сифатларига эга бўлишида уларнинг ўз-ўзини баҳолаш малакаларига эгаллиги ҳам муҳимдир.

Ўзини ўзи баҳолаш – шахснинг ўз-ўзини таҳлил қилиши орқали ўзига баҳо бериши. Ўзини ўзи баҳолаш субъект учун шахсий имкониятларини ҳисоб-китоб қилиш, ўзига объектив баҳо бериш, ўзидан қониқишни таъминлайди.

Тадқиқотчи Л.М.Митина педагогик компетентликни қуйидагича тасвирлайди[10]:

– фаолиятли (билим, малака, касбий маҳорат ҳамда педагогик фаолиятни масъулиятли ва мустақил амалга оширишнинг индивидуал усуллари);

– коммуникатив (педагогик мулоқотни амалга оширишнинг ижодий йўллари);

– шахсий (ўз устида ишлаш, ўзини-ўзи ривожлантириш кўникмаси).

Мамлакатимизда педагогга хос касбий компетентлик, унинг ўзига хос жиҳатлари борасида Б.Назарова томонидан олиб борилган тадқиқотлар ўзига хос аҳамият касб этади. Тадқиқотчининг фикрига кўра, педагогга хос касбий компетентлик негизида қуйидаги таркибий асослар туради:

– махсус ёки касбий компетентлик (касбий фаолиятни юқори даражада ташкил этиш);

– ижтимоий компетентлик (касбий компетентликни ҳамкорликда ташкил этиш, ижтимоий масъуллик);

– аутокомпетентлик (ўзини ижтимоий-касбий ривожлантира олиш);

– экстремал касбий компетентлик, яъни қутилмаган вазиятларда тўғри йўл тута олиш[11].

Педагогнинг касбий компетентлиги, биринчи навбатда, аниқ таълим муассасаси мутахассисини ўқитиш ва тайёрлаш орқали шакллантирилади. Бундай мутахассисларни тайёрлаш касбга нисбатан яхлит концептуал ёндашувни (қандай ва нимани ўқитишни аниқ тасаввур қилиш), меҳнатни қадрлай олиш (ўқитиш мотивацияси), таълим жараёнини оптимallasштириш, ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи ривожлантириш, ўз устида ишлаш каби хусусиятларни тарбиялашни тақозо этади.

Ўқитувчи ўзининг педагогик маҳорати, интеллекти ва маданиятига доимо жиддий эътибор бериши ва педагогик маҳорати, касбий вазифаларини бажариш қанчалик кўлидан келиши даражасини доимо текшириб бориши, таълим олувчилар онги ҳамда қалбига кириб боришнинг мақбул йўллари мунтазам излаши зарур.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мамлакатимизда бугунги кунда меҳнат бозорида юзага келадиган кучли рақобатга бардошли бўлиш эҳтиёжи ҳар бир мутахассисни ўзида касбий компетентлик ва унга хос сифатларни таркиб топтиришга ундайди. Луғавий жиҳатдан «қобилият», мазмунан эса «фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш» маъносини англатувчи компетентлик негизида муайян сифатлар намоён бўлади. Педагогларни касбий тайёрлаш сифатини тубдан ошириш, унинг мазмунини такомиллаштириш зарур аҳамият касб этади. Педагогик кадрлар тайёргарлиги сифатини сезиларли даражада ошириш учун педагогик ва касбий билимлар синтезини таъминлаш зарур. Педагогларни касбий шакллантириш педагогик ва техник билимларни фан, таълим, техника, технология ва ишлаб чиқариш иқтисодиёти соҳаларидаги ўзгаришларга асосланган интеграцияси таълим жараёнининг самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Ушбу жараён педагогларни тайёрлаш мазмунини асослаш ва касбий компетентлигини шакллантириш технологиясини яратишда муайян ўзгаришларни амалга ошириш заруриятини келтириб чиқаради. Хусусан, педагогга хос касбий компетентлик негизида ижтимоий, махсус (психологик, методик, информацион, креатив, инновацион ҳамда коммуникатив), шахсий, технологик ва экстремал компетентлик каби сифатлар акс этади. Педагогнинг касбий компетенцияси педагогик (ўқув ва тарбия) жараённинг самарали, муваффақиятли ташкил этилишини таъминлайди. Касбий компетенцияга эга бўлиш учун педагог ўз-ўзини изчил ривожлантириб боришга эътиборни қаратиши зарур.

Педагогнинг касбий компетентлигини шакллантириш бўйича қуйидаги таклифларни бериш мумкин бўлади:

– ўзлаштирилган ижтимоий тажрибаларни қайта ишлаш, изланувчанлик ва ижодкорлик фаолиятларида намоён бўладиган аниқ фойдаланган касбий йўналтирилганлик, билимларни эгаллаш фаоллиги;

– касбий фаолиятда кўп учрайдиган ҳар қандай ностандарт вазиятларда мустақил равишда қарор қабул қила олишга, шунингдек, яхлит жараённинг барча воқеа ва ҳодисалари, далилларини таҳлил қила билишга асос яратадиган илмий тафаккурни ривожлантириш;

– миллий ва жаҳон маданиятини эгаллаганлик, таълим олиш жараёнини англаганлик, ўзининг педагогик қобилиятларини такомиллаштириш, ўз ўзини ривожлантиришга йўналганлик, тадқиқотчилик фаолиятини ривожлантириш каби кенг доирани ўз ичига олган мустақил таълимни ташкил этиш;

– талабаларни касбий фаолиятга тайёрлашни индивидуаллаштириш орқали ақлий ва амалий фаолиятида ўзининг индивидуал услубларига эга бўлиш имконини берадиган таълимни ташкил этиш.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: «Ўзбекистон», 2017. –22-б.
2. Шодиев Н., Чориев А., Киямов Н., Шайхова Х. Инсон ва унинг маънавий дунёси. –Тошкент, 1993.– Б. 9.
3. Аристотель. Сочинения: В 4-х т. Т.4. –М.: Мысль, 1983; Сенека Луций Анний. Нравственные письма кЛуцилию. –М.: Наука, 1977.
4. Кайковус. Қобуснома; Шайх Нажмиддин Кубро. Кўнглим кўзи билан кўрганларим / Бу ҳақда батафсилроққаранг: Жужжоний А. Ш. Тасаввуф ва инсон. – Тошкент: Адолат, 2001. – 89 б.
5. Омельченко Е.А. Педагогика семейного воспитания. – Новосибирск, 2012.
6. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999. (Ишмухамедов Р., Мирсолиева М. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. -60-б.)
7. Drapeau Patti. Sparking student creativity (practical ways to promote innovative thinking and problem soving). – Alexandria-Virginia, USA: ASCD, 2014. –Р. 4. (Инновацион таълим технологиялари. / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: «Сано стандарт», 2015.)
8. Маркова А.К. Психология профессионализма. – М.: «Знание», 1996. (Инновацион таълим технологиялари. / Муслимов Н.А., Усмонбоева М.Х., Сайфуров Д.М., Тўраев А.Б. – Т.: «Сано стандарт», 2015.)
9. Муслимов Н.А. Бўлажак касб таълими ўқитувчиларини касбий шакллантириш. / Монография. – Т.: «Фан», 2004.
10. Митина Л.М. Психология труда и профессионального развития учителя. Учебн. пособие для студ. высш. учеб. заведений. М., 2004. -С.75.
11. Муслимов Н., Усмонбоева М., Сайфуров Д., Тўраев А. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари. - Т.: Сано стандарт, 2015. -8-б.
12. Ahmadjonovna, E. T., &Bakhromovich, S. I. (2020). Pedagogical Analysis Of Culturo-Educational Institutions’ Actions In Youth Education (On The Example Of Museum Activities). The American Journal Of Social Science And Education Innovations, 2(08), 576-582.
13. Сиддиқов, И. Б. (2018). Социально-философские аспекты формирования интеллектуальной культуры молодёжи. Theoretical & Applied Science, (1), 61-66.
14. Bakhromovich, S. I. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth’s Intellectual Culture. European Science Review, (7-8).
15. Сиддиқов, И. Б. (2019). Государственная Политика В Отношении Молодежи В Узбекистане: Национальный Опыт И Реальная Необходимость Международных Инициатив. In Условия Социально-Экономического Развития Общества: История И Современность (Рр. 38-43).
16. Bakhromovich, S. I. (2020). Effects Of Objective And Subjective Factors To Develop Intellectual Culture Of Youth. Canadian Social Science, 16(2), 55-59.

17. Siddikov, I., & Gulomov, A. (2020). Philosophical And Psychological Features Of The Formation Of Assertive Behavior In The Development Of Cognitive Activity. In Психологическое Здоровье Населения Как Важный Фактор Обеспечения Процветания Общества (Pp. 38-42).
18. Bakhromovich SI. Analysis Of Modern Approaches To Ensuring The Effectiveness Of Management In Higher Education Institutions. The American Journal Of Social Science And Education Innovations. 2020;2(12):364-9.
19. Siddikov, I. B. (2019). Философско-Педагогические Аспекты Развития Интеллектуальной Культуры Студентов. Вестник Ошского Государственного Университета, (3), 38-42.
20. Bakhromovich Si. The Impact Of Managerial Professional Development On The Effectiveness Of Higher Education Institution Management. *Academicia: An International Multidisciplinary Research Journal*. 2020;10(12):1014-20.
21. Bakhromovich, S. I., & Lutfillo, M. (2021). Development Of Ecological Culture In Students In The Process Of Education Of History Of Uzbekistan.
22. Siddikov, I. (2021). Education-The Principal Value Of Medieval Muslim Civilization. Interconf.
23. Siddikov, I. (2021). Gender Management Issues In Modern Pedagogy In Educational Institutions.
24. Bakhromovich, S. I. The Phenomenon Of Management And Leadership Personality In The Views Of Oriental Scholars. Chief Editor.
25. Siddikov, I. B. (2021). Modern Models Of Providing Autonomy Of Higher Educational Institutions (Analysis Of Foreign Countries Experience). *Current Research Journal Of Pedagogics* (2767-3278), 2(05), 25-31.
26. Bakhromovich, S. I. (2021). Development Trends And Transformation Processes In Academic Mobility In Higher Education In Uzbekistan And The World.
27. Bakhromovich, Siddikov Ilyosjon, And Maxamadaliyev Lutfillo. "Development Of Ecological Culture In Students In The Process Of Education Of History Of Uzbekistan. *European Journal of Humanities and Educational Advancements* 2 (5), 103-107
28. Siddikov, I. (2021). Traditions Of Philosophy, Fiqh And Philosophy In The Theological Views Of The Middle East. Interconf.
29. Bakhromovich, S. I. (2021). Factors Of Introduction Of Principles Of Institutional Autonomy To The Management Process Of Higher Educational Institutions. *Berlin Studies Transnational Journal Of Science And Humanities*, 1(1.5 Pedagogical Sciences).
30. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.
31. Bakhromovich, S. I. (2021). Views On The Role Of Science In Human And Society Life In Islamic Teaching. *International Journal Of Philosophical Studies And Social Sciences*, 1(3), 79-86.
32. Bakhromovich, S. I. (2018). Social And Philosophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. *European Science Review*, (7-8).
33. Siddikov, I. (2021). Epistemological Significance Of Medieval Culture Of Islamic Intellectual Activity. Interconf.

34. Siddiqov, I. (2022). Dialectical And Synergetic Features Of The Development Of Theological And Epistemological Views In Medieval Eastern Islam.
35. Siddiqov, I. B. (2022). Mutual Synthesis Of Medieval Islam Gnoseology And Theology.
36. Siddiqov, I. B. (2018). Social And Philisophical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. *European Science Review*, (7-8), 296-298.
37. Bakhromovich, S. I. Social And Physical Performance Of Making Youth's Intellectual Culture. July–August, 289.